

Халқаро кузатувчилар - Риштонда

Айни дамда Фарғона вилоятига келган халқаро кузатувчилар сайлов округлари ва участкаларида бўлиб, тайёргарлик жараёни билан танишмоқда.

Исройллик журналистлар Vesty.co.il интернет сайти ходимлари Макс Лурье ва Ирина Луръелар вилоятимизда сайлов жараёнига бўлаётган тайёргарликларни куздан кечиришди. Исройллик меҳмонлар Риштон тумани ташриф буюриб уста кулол Равшан Тожиддинов музейини ҳам зиёрат қилишди.

“Янги Ўзбекистон, янги сайловлар” шиор остида ўтказилаётган бу галги сайлов жараёнларинингadolatli, шаффоф тарзда олиб борилишини кузатиш мақсадида мамлакатимиз, хусусан, вилоятимизга ҳам халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда хорижлик кузатувчилар келишмоқда. Қозоғистон сайлов комиссияси вакиллари - Марал Джилкибаева, Гульжанат Калиева ҳамда Талгат Калышбеков бугун Риштон туманига келишди.

2019-12-21 18:53:44